

---

## ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР ФАРҒОНАЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 4 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ЗИЁД БЎЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ ИМЗОЛАШДИ

USAID дастури доирасида минтақавий ва трансчегаравий савдони кенгайтириш орқали қишлоқ хўжалиги йўналишида янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишни кўзда тутган "Агросоода" лойиҳаси бўйича Қирғизистон Республикасининг Ўш, Баткен, Жалолобод вилоятларида фаолият олиб бораётган 20 нафардан зиёд тадбиркорлар 2 кунлик ташриф билан вилоятимизга келишди.

Кеча Қува туманида мевани қайта ишлаш корхонаси, Олтиариқ туманида эса 1000 гектарлик узумзор, логистика маркази ва музлаткичли омборлар меҳмонларга таништирилди.

Бугун Фарғонада вилоят ҳокимлиги кўмагида ҳамда Қирғизистондаги йирик компаниялардан бири, "Датка" савдо-ишлаб чиқариш холдинги ташаббуси билан икки давлат тадбиркорлари иштирокида бизнес учрашув ташкил этилди. Унда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Алишер Солиев, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси масъул раҳбарлари, қирғизистонлик расмийлар иштирок этди.

Сўз олганлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ўзаро истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш тадбирдан кўзланган асосий мақсад эканлигини яна бир бор таъкидладилар.

Шундан сўнг икки давлат ишбилармонлари ўртасида В2В шаклидаги музокаралар бўлиб ўтди. Яқунда умумий қиймати 4 миллион доллардан зиёд 4 та савдо шартномаси, шунингдек, 8 та меморандум имзоланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-13 15:11:22